

2022-4 сонли  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Самарканд ш.

**16** июль 2022 йил

Самарканд Давлат Тиббиёт университети (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи ректор Ж.Ризаев бир томондан ва "Булунгур Добил курувчи ХК" (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (устав) асосида иш юритувчи директор Г.Уралова иккинчи томондан Самарканд давлат тиббиёт университети ёткxона биноси фасад кисмини жорий таъмирлаш (II этап) ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишни чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект (куриш, кайта куриш ва мукаммал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан хulosалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтarlари хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар;

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилаб қўйилади;

**вактинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг хар бир боскичи ва/ёки турлари кийматини аник белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома буйича обьектда курилиш ишларини лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни кабул килиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома буйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва тендер комиссиясининг карори (№ 117648. 13.07.2022 й. баён) билан тасдикланган ишлар қиймати ушбу обьект тулаконлигигача фойдаланишга топширилишида ҚҚСлари билан 332 500 835 (Уч юз ўттиз икки миллион беш юз минг саккиз юз ўттиз беш) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг кайта куриш ишлари кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгариштаганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартнома кийматининг ун фоизидан ошмаган ҳолда ва ушбу ўзгаришларга белгиланган тартибда смета-ҳужжатлари тайёрланган ҳолда расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома буйича Пудратчи шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Объектдаги курилиш ишлари бошланишдан олдин обьектда курилиш ишларини олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида курилиш килинаётган бино кисмини ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида обьектдан фойдаланувчи ташкилотдан кабул килиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан курилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу бино кисмидаги элементларини саклаш ишларини амалга оширади;

Ушбу курилиш обьектини куриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти булган такдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш,

туловларини амалга ошириш, зарур холларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиха-смета хужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини қўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хуласаси асосида амалга оширилиши мумкин, хар кандай иш туридаги ушбу узгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор килиш;

лоиха-смета хужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш хажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли килиб бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлар смета хужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисад килинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва кўшимча бажарилиши лозим бўлган иш хажмлари харажатларини коплаш учун объектнинг умумий киймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачини хабардор килган холда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари тендер иш хажмларида булса нархлари тендер нархларида олиниши, агарда тендерда булмаса смета-хужжатларидағи нархларда олинниб хисоб-фактурасида курсатилиши лозим.

объектнинг ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдикланган лойихага мувофик топширади;

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан курилиш коидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал килган холда сифатли бажариш, ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топширади ҳамда ажратилган маблағ доирасида курилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажариди;

объектга зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка ҳом-ашёлар ва курилиш техникасини ўз вактида ҳамда зарур хажмларда етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

зарур холларда курилиш майдони худудида вактинчалик ишоотлар куради;

Буюртмачини, ёрдамчи пудратчилар билан пудрат шартномалари тузилиши давомида, ушбу шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килади;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлади;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатади;

курилиш майдони кўриклинишини таъминлади;

Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган курилиш-монтаж ишлари юзасидан мониторинг холатда хисоб-фактурасини ойнинг 25 санаасигача Буюртмачига тақдим килади;

Объектда курилиш-монтаж ишлари тулик тугатилгандан кейин бажарилган курилиш-монтаж ишлари юзасидан хисоб-фактурани тулик тақдим килади;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун кабул килинган ўш хажмларида арифметик хато ва бошка камчиликларга йўл кўйилганлиги аникланганда, кейинги ойларда бажарилган иш хажмлари тегишли ўзгаришилар (корректировка) киритилган холда расмийлаштирилади.

7.1. Мазкур шартнома имзоланган кундан пудратчи ташкилоти “Буюртмачи” ушбу объект бўйича аванс маблағларини молиялаштириб берганига кадар 20 фоиз айланма маблағлари хисобидан курилиш-монтаж ишларини бошлашига келишилди.

## V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги конунчилек хужжатларига мувофик равишда кабул килиб олишини таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўріб чикиш ва карор кабул килиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришини амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб    кун давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатларини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

9. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Пудратчи объектда кайта куриш ишларини танлов савдоларининг натижаларига асосан 30 кунда тугатиб, объектнинг сифатли ва тулик килиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишига топширилиши белгиланган. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошка сабаблар булганда вилоят тендер комиссиясининг карорига аласан курилиш муддатига узгартиришлар киритилиши мумкин.

Юкоридагиларни инобатга олган холда ишларнинг бошланиши \_\_\_\_\_, тугатилиши йил \_\_\_\_\_ деб белгиланган. Ўз.Рес. Президенти, Уз.Рес.Вазирлар Махкамасининг тегишли карорлари, фармонлари ва баёнларига асосан ушбу объектнинг фойдаланишига топшириш тегишли карорлари, фармонлари ва баёнларида кўрсатилган муддатларда пудратчи ташкилот объектни тўлиқ фойдаланишига топшириши шарт.

Пудрат шартномаси амал килиш муддати 31.12.2022 йил.

11. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш кийматининг 30 фоиз микдорида аванс маблағи, тенг таксимланган холда тўлаб беради. Бу 99750250,50( Тўксон тўккис миллион етти юз эллик минг икки юз эллик ) сўм 50 т.ни ташкил этади.

13. Жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблағининг хар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан берилган аванс микдорини ушлаб колиб, объектнинг шартномавий киймати 70 фоиз микдорда амалга оширилади.

15. Пудратчи объект фойдаланишига топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳакда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритишин талаб килиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

17. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиларини текширади.

18. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз таниших ҳукукига эгадир.

19. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда катнашади.

20. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажарини мустакил равишда ташкил этади.

21. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

22. Объектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

23. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

24. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

25. Пудратчи Буюртмачининг курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

26. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурdir.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чишишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига ва кийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

Объектда курилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар хамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралик ишларни кабул килиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилоти жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) кабул килиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) кабул килиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-хисоб-фактура билан, микдор ва киймат кўрсаткичлари хисоб-китоб жадвалида акс эттирилган холда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

27. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатизиб бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари хисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини тъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

28. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сириради ва озода саклайди.

29. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha хаво харорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига тъсири килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилди.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишида кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

30. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва кайта куриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тўсилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникини ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўрикланишини тъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Енгид бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) холатлари- бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий холатлар (уруш холати, камал, давлат манбаатларини кўзлаб импорт ва экспортни такиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга кабул килинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган холатлардир.

32. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгид бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита тъсири этса, томонлар бундан кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишида узайтирилади.

33. Агар енгид бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

34. Агар томонлар иккى ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳаклиди.

## XI. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

35. Курилиш ишлари тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олиш шахарсозлик нормалари, коидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Курилиш обьекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуналари) обьектнинг тугалланганлиги ва у кабул килиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан фойдаланишга кабул килинади.

Пудратчи ташкилот ишчи комиссияга куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- курилиш-монтаж ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва хажмлари хамда масъул ижрочилари кўрсатилган холдаги рўйхати;

- кабул килишга тақдим этилган обьектнинг техник лойиҳаси ва ишчи чизмалари тўплами, ижро схемлари;

- ёпилиб кетадиган ишларни кабул килиб олиш далолатномалари;

- ишларни бажариш ва муаллифлик назорати журналлари;  
- Ўзбекистон Республикаси “Давархитекткурилиш” қўмитаси Давлат архитектура-курилиш назорати худудий инспекциялари томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш далолатномалари.

36. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда кабул килиб олинади.

37. Пудратчи кайта куриш тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

38. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда объектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

39. Пудратчи:  
барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха-смета хужжатларига ҳамда курилиш меъёrlари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

лойиха-смета хужжатларига бажарилиши кўзда тутилган иш хажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли килиб бажарилиб, айрим иш хажмлари ва харажатлар смета хужжатларига кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисад килинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва кўшимча бажарилиши лозим бўлган иш хажмлари харажатларини коплаш учун объектнинг умумий киймати доирасида асословчи хужжатлар асосида Буюртмачини хабардор килган холда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-хужжатларини тайёрлатиш;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуксонлар ва чала килинган ишлар аникланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

40. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар кайта куриш тугалланган объектни кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

41. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб колиш хукукига эга.

42. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш “Давархитекткурилишназорат” органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

43. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечикирилганда;

ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда;

бажарилган курилиш-монтаж ишларига бажарилганлиги юзасидан хисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичida топширилмаган холда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёrlари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошкага асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

44. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

45. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган таъминалаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

46. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

47. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

48. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

49. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка торилади.

Қайта куриши ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот конунчиликка асосан ва шартномага мувофик буюртмачи олдида куйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган курилиш-монтаж ишлари;

объектни хамда унинг боскичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

буюртмачи билан тузилган шартнома асосида курилиш-монтаж ва бошка ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж килиш муддатларини бузилиши;

объектнинг лойиха-смета хужжатларида белгиланган ерларни рекультивация килиш ишлари бажариш хажмлари ва муддатларининг бузилиши;

кайта куриш жараёнида ёки оралиқ кабул килишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошка назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл кўйилган камчиликлар ва нуксонларни бартараф этишни оркага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошка мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-конли бажармагани.

Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниши ёки бошка камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар конунчилик ёки шартномада бошка шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра куйидагиларни талаб килиш хукукига эга:

нуксонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни;

Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш хамда нуксонларни ўз вактида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш кийматини ундириш хукукига эга.

50. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирумaganлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблаг кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод килмайди.

51. Пудратчи томонидан объекtnи ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод килмайди.

52. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг хуносаси асосида объекtnи кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

53. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган

харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни қоплайди.

Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий хисоб-китобларлардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблағлар ва бошка тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан чегириб колиш хукукига эга.

54. Муддат ўtkазиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкacha тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

54. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек ётказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Самарқанд шахар иктисодий суди томонидан кўриб чикилади.

#### XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

56. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

57. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

58. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

59. Агар Пудратчи шартномада бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санаасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечкитиришга хаклидир.

60. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодекси ва амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

61. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал килади.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

63. Мазкур шартнома вилоят ғазначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг хукукий кучга киради.

#### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

##### “БУЮРТМАЧИ”

Samarkand Davlat tibbiyot universiteti  
Majlis Vazirligi G'aznachiligi  
Bank nomi:  
**X/P: 23402000300100001010**  
ШИР: 201122919 MFO: 00014  
МФО: 01030  
МФО: 01030  
ИФУТ: 304569886  
ИФУТ: 304569886  
**STIR: 2011097311 OKED: 85420**

Ректор

Хукукшунос



##### “ПУДРАТЧИ”

Номи: "Булунгур Добил қурувчи ҲК"  
Манзили: Булунғур тумани Авлиёпарпи маҳалласи  
Банк номи: АТБ“Хамкорбанк” Сам филиали  
Х/Р: 2020 8000 9007 4378 1001  
МФО: 01030  
СТИР: 304569886  
ИФУТ:  
Тел: 97 911-63-11

Директор

Хукукшунос

Г. Уралова



Р. Уралова

СПЕЦИФИКАЦИЯ № 1 к Договору № 2022-4 от 16 июля 2022г.

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ФАСАДНОЙ ЧАСТИ ЗДАНИЙ СТУДЕНТСКОГО ОБЩЕЖИТИЯ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО

N п.п.	Наименование работ и затрат	Единица измерения	Количество	Цена	Сумма
1	2	3	4	5	6
	<b>СПОРТЗАЛ</b>				
1	<b>ДЕМОНТАЖНЫЕ РАБОТЫ</b> ОЧИСТКА ВРУЧНЮЮ ПОВЕРХНОСТИ ФАСАДОВ ОТ ПЕРХЛОРИНИЛОВЫХ КРАСОК И ОТ СТАРОЙ ШПАТЛЕВКИ: С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ	100M2	3,2870	388517	1277055
2	<b>РАЗБОРКА ПОДШИВКИ ПОТОЛКОВ ИЗ ДЕКОРАТИВНЫХ ПЛАСТИКОВЫХ ПАНЕЛЕЙ</b>	100M2 ПОДШИВКИ	0,4500	461615	207727
	<b>ЦОКОЛЬ</b>				
3	<b>УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН</b>	100M2	0,9000	2167122	1950410
4	<b>ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕН, СТОЛБОВ, ПИЛЯСТР И ОТКОСОВ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК ТОЛЩИНОЙ ДО 15 ММ НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ, ЧИСЛО ПЛИТ ДО 10 ШТ. НА М2</b>	100M2	0,9000	18263644	16437280
5	<b>УСТРОЙСТВО СТЯЖЕК ЦЕМЕНТНЫХ ТОЛЩИНОЙ 20 ММ</b>	100M2	0,1400	1614177	225985
6	<b>УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ НА РАСТВОРЕ ИЗ СУХОЙ СМЕСИ С ПРИГОТОВЛЕНИЕМ РАСТВОРА В ПОСТРОЕЧНЫХ УСЛОВИЯХ ИЗ ГЛАДКИХ НЕГЛАЗУРИРОВАННЫХ КЕРАМИЧЕСКИХ ПЛИТОК ДЛЯ ПОЛОВ ОДНОЦВЕТНЫХ</b>	100 M2	0,1400	7091031	992744
	<b>СТЕНА</b>				
7	<b>УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН</b>	100M2	3,5770	2167119	7751784
8	<b>ОТДЕЛКА НАРУЖНЫХ СТЕН ПО ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОВЕРХНОСТИЯМ ДЕКОРАТИВНЫМ ПОКРЫТИЕМ ПОД ИМИТАЦИЮ НАТУРАЛЬНОГО КАМНЯ "ТРАВЕРТИН" СПЛОШНОЕ НАНЕСЕНИЕ С ПОЛИРОВКОЙ ПОВЕРХНОСТИ (БЕЗ РИСУНКА) С РАСХОДОМ 350 КГ РУЧНЫМ СПОСОБОМ</b>	100 M2	5,9240	5584535	33082786
9	<b>УСТРОЙСТВО ОБДЕЛОК НА ФАСАДАХ [НАРУЖНЫЕ ПОДОКОННИКИ, ПОЯСКИ, БАЛКОНЫ И ДР.] БЕЗ ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ</b>	100M2 ФАСАДА (БЕЗ ВЫЧЕТА ПРОЕМОВ)	0,0690	102810	7094
10	<b>ЛИСТ СТАЛЬНОЙ ОЦИНКОВАННЫЙ КРАПЕННЫЙ ТОЛЩИНОЙ 0,45ММ</b>	M2	6,9000	63712	439611
11	<b>РАСКРОЙ И ИЗГОТОВЛЕНИЕ ПАНЕЛЕЙ ИЗ ЛИСТОВ "АДИПАН"</b>	100M2 РАЗВЕРНУ ТОЙ ПРОЕКЦИ И ПОВЕРХН ОСТИ ОБЛИЦОВ КИ	1,3000	19268205	25048666
12	<b>ОБЛИЦОВКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ДЕКОРАТИВНЫМИ ПАНЕЛЯМИ ТИПА "АДИПАН" ПОТОЛКОВ ПО ГОТОВОМУ КАРКАСУ</b>	100 M2 РАЗВЕРНУ ТОЙ ПРОЕКЦИ И ПОВЕРХН ОСТИ ОБЛИЦОВ КИ	1,3000	2647681	3441985
13	<b>ПРОФИЛЬ 35Х70ММ</b>	M	418,0000	7765	3245619
14	<b>НАВЕСКА ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ ПО СТЕНАМ ИЗ КИРПИЧА ИЛИ ЛЕГКОГО БЕТОНА, ДИАМЕТРОМ ДО: 140 ММ</b>	100M ТРУБ	0,7400	3680347	2723456
15	<b>ЛОТОК</b>	ПЛТ	107,4000	18318	1967313
16	<b>ВОРОНКА</b>	ПЛТ	12,0000	18318	219812
17	<b>КОЛЕНО</b>	ПЛТ	24,0000	14247	341929
18	<b>ОКРАСКА КОРЫРЬКОВ СУРИКОМ ЗА 2 РАЗА</b>	100M2	0,1200	795459	95455
19	<b>УСТАНОВКА В ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЯХ ОКНОННЫХ БЛОКОВ ИЗ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЯ, АЛЮМИНИЯ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКА В КАМЕННЫХ СТЕНАХ, ОТКРЫВАЮЩИМИСЯ (ПОВОРОТНЫХ, ОТКИДНЫХ, ПОВОРОТНО-ОТКИДНЫХ): С ПЛОЩАДЬЮ ПРОГРМА ДО 2 М2</b>	100 M2	0,0108	77737946	839570
20	<b>УСТАНОВКА И РАЗБОРКА НАРУЖНЫХ ИНВЕНТАРНЫХ ЛЕСОВ ВЫСОТОЙ ДО 16 М ТРУБЧАТЫХ ДЛЯ ПРОЧИХ ОТДЕЛОЧНЫХ РАБОТ</b>	100M2	5,6340	1023588	5766893
	<b>ТУАЛЕТ</b>				
	<b>ДЕМОНТАЖНЫЕ РАБОТЫ</b>				
21	<b>ОЧИСТКА ВРУЧНЮЮ ПОВЕРХНОСТИ ФАСАДОВ ОТ ПЕРХЛОРИНИЛОВЫХ КРАСОК И ОТ СТАРОЙ ШПАТЛЕВКИ: С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ</b>	100M2	2,0000	388517	777034
	<b>ЦОКОЛЬ</b>				

1	2	3	4	5	6
22	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100M2	0,2160	2167124	468099
23	ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕН, СТОЛБОВ, ПИЛЯСТР И ОТКОСОВ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК ТОЛЩИНОЙ ДО 15 ММ НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ, ЧИСЛО ПЛИТ ДО 10 ШТ НА М2 СТЕНА	100M2	0,2160	18263641	3944946
24	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100M2	0,2000	2167122	433424
25	ОТДЕЛКА НАРУЖНЫХ СТЕН ПО ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОВЕРХНОСТИАМ ДЕКОРАТИВНЫМ ПОКРЫТИЕМ ПОД ИМИТАЦИЮ НАТУРАЛЬНОГО КАМНЯ "ТРАВЕРТИН" СПЛОШНОЕ НАНЕСЕНИЕ С ПОЛИРОВКОЙ ПОВЕРХНОСТИ (БЕЗ РИСУНКА) С РАСХОДОМ 350 КГ РУЧНЫМ СПОСОБОМ	100 M2	1,7840	5584535	9962811
26	УСТРОЙСТВО ОБДЕЛОК НА ФАСАДАХ [НАРУЖНЫЕ ПОДОКОННИКИ, ПОЯСКИ, БАЛКОНЫ И ДР.] БЕЗ ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ	100M2 ФАСАДА (БЕЗ ВЫЧЕТА ПРОЕМОВ)	0,0100	102766	1028
27	ЛИСТ СТАЛЬНОЙ ОЦИНКОВАННЫЙ КРАППЕННЫЙ ТОЛЩИНОЙ 0,45ММ	M2	1,0000	63712	63712
28	РАСКРОЙ И ИЗГОТОВЛЕНИЕ ПАНЕЛЕЙ ИЗ ЛИСТОВ "АДЮПАН"	100M2 РАЗВЕРНУ ТОЙ ПРОЕКЦИ И ПОВЕРХН ОСТИ ОБЛИЦОВ КИ	0,4500	19268205	8670692
29	ОБЛИЦОВКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ДЕКОРАТИВНЫМИ ПАНЕЛЯМИ ТИПА "АДЮПАН" ПОТОЛКОВ ПО ГОТОВОМУ КАРКАСУ	100 M2 РАЗВЕРНУ ТОЙ ПРОЕКЦИ И ПОВЕРХН ОСТИ ОБЛИЦОВ КИ	0,4500	2647681	1191456
30	ПРОФИЛЬ 35Х70ММ	M	16,0000	7765	124234
31	НАВЕСКА ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ ПО СТЕНАМ ИЗ КИРПИЧА ИЛИ ЛЕГКОГО БЕТОНА, ДИАМЕТРОМ ДО: 140 ММ	100M ТРУБ	0,1800	3680347	662462
32	ЛОТОК	ШТ	13,8000	18318	252783
33	ВОРОНКА	ШТ	3,0000	18318	54953
34	КОЛЕНО	ШТ	6,0000	14247	85482
35	МОНТАЖ КОЗЫРЬКОВ	100M2	0,1800	2144608	386029
36	КОЗЫРЕК ИЗ ЛЕКСАНА	M2	18,0000	65941	1186939
37	ПРОФИЛЬ 60Х27ММ ЗАБОР	M	60,0000	7765	465878
38	ОТБИВКА ШТУКАТУРКИ С ПОВЕРХНОСТЕЙ СТЕН И ПОТОЛКОВ КИРПИЧНЫХ	100M2	0,6596	426249	281154
39	ОЧИСТКА ВРУЧНЮЮ ПОВЕРХНОСТИ ФАСАДОВ ОТ ПЕРХЛОРВИНИЛОВЫХ КРАСОК И ОТ СТАРОЙ ШПАТЛЕВКИ: С ЗЕМЛИ И ЛЕСОВ	100M2	3,5630	388517	1384286
40	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100M2	1,5570	2167115	3374198
41	ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕН, СТОЛБОВ, ПИЛЯСТР И ОТКОСОВ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК ТОЛЩИНОЙ ДО 15 ММ НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ, ЧИСЛО ПЛИТ ДО 10 ШТ НА М2	100M2	1,5570	18263644	28436494
42	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100M2	2,5120	2167126	5443820
43	ОТДЕЛКА НАРУЖНЫХ СТЕН ПО ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОВЕРХНОСТИАМ ДЕКОРАТИВНЫМ ПОКРЫТИЕМ ПОД ИМИТАЦИЮ НАТУРАЛЬНОГО КАМНЯ "ТРАВЕРТИН" СПЛОШНОЕ НАНЕСЕНИЕ С ПОЛИРОВКОЙ ПОВЕРХНОСТИ (БЕЗ РИСУНКА) С РАСХОДОМ 350 КГ РУЧНЫМ СПОСОБОМ	100 M2	6,3750	5584536	35601417
44	УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ И ВЫРАВНИВАЮЩИХ СЛОЕВ ОСНОВАНИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНОЙ СМЕСИ, ДРЕСВЫ	100M3	0,2310	5355380	1237093
45	УСТРОЙСТВО КРОВЛИ ИЗ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦЫ, ПРОФНАСТИЛА ТРАПЕЦИЕВИДНОГО И СИНУСОВИДНОГО ПРОФИЛЯ, С ПОКРЫТИЕМ ПО ГОТОВЫМ ПРОГОНАМ: ПРОСТОЙ	100 M2 КРОВЛИ	0,9000	8123858	7311472
46	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ	M3	1,2400	4222584	5236004
47	КОНЕК	M	90,0000	16282	1465410
48	УСТРОЙСТВО БЕТОННОЙ ОТМОСТКИ	100M3	0,2310	42203400	9748985
49	ОКРАСКА ПРОФЛИСТА СУРИКОМ ЗА 2 РАЗА ДОМИК	100M2	0,8410	795450	668973
50	ОКРАСКА ПРОФЛИСТА СУРИКОМ ЗА 2 РАЗА КПП	100M2	0,3520	795467	280004
51	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100M2	0,1820	2167126	394417
52	ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕН, СТОЛБОВ, ПИЛЯСТР И ОТКОСОВ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК ТОЛЩИНОЙ ДО 15 ММ НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ, ЧИСЛО ПЛИТ ДО 10 ШТ НА М2	100M2	0,1820	18263646	3323984
53	УЛУЧШЕННАЯ ШТУКАТУРКА ЦЕМЕНТНО-ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ ПО КАМНЮ СТЕН	100M2	0,7000	2167122	1516985

1	2	3	4	5	6
54	ОТДЕЛКА НАРУЖНЫХ СТЕН ПО ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОВЕРХНОСТЯМ ДЕКОРАТИВНЫМ ПОКРЫТИЕМ ПОД ИМИТАЦИЮ НАТУРАЛЬНОГО КАМНЯ "ТРАВЕРТИН" СПЛОШНОЕ НАНЕСЕНИЕ С ПОЛИРОВКОЙ ПОВЕРХНОСТИ (БЕЗ РИСУНКА) С РАСХОДОМ 350 КГ РУЧНЫМ СПОСОБОМ	100 M2	0,7000	5584535	3909175
55	ОКРАСКА СУРИКОМ ПАРАПЕТОВ	100M2	0,1620	210635	34123
56	МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА МЕТАЛЛИЧЕСКИХ ВОРОТ, КОЛИЧЕСТВО ОКРАСОК 2	100M2	0,4800	739733	355072
	ИТОГО ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ:				244 798 205
	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА -18,11%				44 332 955
	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА				289 131 161
	НДС - 15%				43 369 674
	ВСЕГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА С НДС				332 500 835

ДИРЕКТОР ООО "БУЛУНГУР ДОБИЛ КУРУВЧИ"



Ж. Абдусаломов  
Андрей



Samarqand viloyat Bulung'ur tumani xokimligi huzuridagi  
Tadbirkorlik Sub'yektlariga Davlat hizmatlariko'satis "Yagona darcha" markazi

## GUVOHNOMA

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida.

Reestr dagi tartib raqami 44  
2017 yil "25" YANVAR

Nº 0005442

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs BULUNG'UR DÖBİZ QURUVCHI  
XUSUSIY KORXONASI ga

(yuridik shaxs bo'lgan dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari uchun ajratilgan er  
uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi)

Tashkiliy-huquqiy shakli:

THSH

110

MSH

Mulkelilik shakli:

114

MHOBT

Poehta manzili:

1718206840

KTUT


Yuridik shaxs kodi:

26820077

STIR

Soliq to'lovelining identifikacion raqami:

304569886



Markaz direktori:

S.S. Shadiyarov